



Food and Agriculture Organization
of the United Nations

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ФАО ва Туркия
ўртасидаги ҳамкорлик Дастури (ФТХД II)

“Ҳеч кимни ортида қолдирмаган ҳолда”: Туркия ва Марказий Осиёда қишлоқ аёлларининг янада фаол иштироки ҳамда ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш

GCP/SEC/018/TUR



Қишлоқ аёлларининг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, қишлоқ жойларда тирикчилик манбаларини мақбуллаштириш

Аёлларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришдаги ҳиссаси анчайин салмоқли бўлиб, айтилишича улар ўз оилалари ва уй хўжалиги ҳақида қайғуришади, томорқа ва чорва моллари билан шуғулланишга ҳам вақт топишади, ўз истеъмоллари учун ёки сотиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашади. Кўпчилик қишлоқ аёллари ёқилғи ва сув ғамлаш билан ҳам шуғулланади ва, бу уларнинг кундалик ташвишлари юкласини янада оширади. Шу каби мажбуриятлар, аёллар бажарадиган ишларга қўшимча сифатида, кўпинча тан олинмай ва пули тўланмай қолади.

Шунингдек, қишлоқ аёллари уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш имконини берувчи турли захиралардан фойдаланиш борасида ҳам тўсиқларга дуч келишади. Мулк (шу жумладан ер), муносиб иш билан таъминланиш, технологиялар, кредитлар, ахборот ва касбий кўникмаларни шундай захиралар жумласига киритиш мумкин. ФАО маълумотлари шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалиги соҳасининг самарадорлиги пастлиги кўп жиҳатдан гендер тенгсизлиги билан белгиланади.



ЛОЙИҲА ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ



Мақсад:

Бирлаштирилган икки ёндашув, яъни тадбирларни сиёсий ва маҳаллий даражаларда амалга ошириш ёрдамида қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда қишлоқ жойларда тирикчилик манбаларини мақбуллаштириш.



Мақсадли мамлакатлар:

Тожикистон, Туркия ва Ўзбекистон (бунда Марказий Осиё ва Европанинг бошқа мамлакатлари илғор тажрибаларни алмашиш бўйича минтақавий тадбирларга қўшилиши мумкин)



Амалга ошириш муддати:

2021 йил 1 октябрь –
2024 йил 30 сентябрь



Бюджет:

950 000 АҚШ
доллари

1 ҚАШШОҚЛИККА
БАРҲАМ БЕРИШ



2 ОЧАРЧИЛИККА
БАРҲАМ БЕРИШ



5 ГЕНДЕР
ТЕНГЛИГИ



ЛОЙИҲАНИНГ ҚАМРОВ ДОИРАСИ

- Ушбу лойиҳа Тожикистон, Туркия ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи оддий қишлоқ аёлларига уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, корхоналар ва кооперативларни ташкил этиш учун зарур билимларни олиш ва малакаларни эгаллаш борасида кўмаклашади, шунингдек уларнинг имкониятларини кенгайтиради ва ўз жамоаларида ўзгаришларнинг амалга оширувчилари бўлишга шароит яратади.
- Шунингдек, **мазкур лойиҳа** қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий асосланган, ижтимоий инклюзив ва гендер жиҳатдан таъсирчан сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадида раҳбарлар ва ишчилар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек бу сиёсатнинг жойларда амалга оширилишида институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш йўли билан қишлоқ аёлларининг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.
- Ушбу лойиҳа Туркия, Тожикистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирликларининг қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларни гендер омилларини инобатга олган ҳолда ривожлантириш сиёсати ва дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ қийинчиликлар, илғор тажриба ва сиёсий қарорлар борасида маълумот алмашиш борасидаги **минтақавий платформаси вазифасини ўтайди**. Минтақавий семинарларнинг ўтказилиши эса бу ишларни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, бошқа мамлакатларнинг иштирокчилари қишлоқ аёлларининг муаммоларини ҳал этиш тажрибаси ва илғор амалиёти билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўладилар. Минтақавий даражадаги муваффақиятли мисоллар асосида қишлоқ аёлларининг қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ туманларини ривожлантиришдаги ҳиссасини тан олиш бўйича ахборот-маърифий кампаниялари ўтказилади ҳамда улар бутун минтақада қишлоқ аёллари учун илҳом манбаи вазифасини ўтайди.



ФАО-Туркия ҳамкорлиги Дастури тўғрисида

Дастурнинг мақсадлари – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда қашшоқлик қўламини қисқартириш, ўрмонлардан барқарор фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва экотизимларни сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборат.

2007 йилда бошланган Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ФАО-Туркия ҳамкорлиги Дастури (ФТХД) биринчи босқичини молиялаштириш Туркия Республикаси ҳукумати томонидан тақдим этилган 10 млн. АҚШ доллари миқдоридagi мақсадли жамғарма ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, Дастурда Туркия номидан Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги иштирок этди.

Дастур доирасида биринчи босқичда 2009-2015 йилларда субминтақанинг 16 мамлакатада 28 та лойиҳа амалга оширилди. 2014 йилда Туркия ва ФАО Ўрмон хўжалиги соҳасидаги ФАО-Туркия ҳамкорлиги Дастури (ФТХД-ЎХ) биринчи босқичи билан бир қаторда ФТХДнинг 20 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кўшимча бадал билан иккинчи босқичини амалга ошириш тўғрисидаги келишувни имзоладилар. Натижада Туркиянинг умумий ҳиссаси 30 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур иккинчи босқич доирасида қуйидаги йўналишлардаги қатор лойиҳалар амалга оширилади:

- озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш;
- қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларни ривожлантириш;
- табиий захираларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги сиёсати;
- озиқ-овқат хавфсизлиги;
- ўрмонлардан барқарор фойдаланиш, ер ва табиий захираларни бошқариш ва ерлар таназзулга учрашининг нейтрал мувозанати;
- институционал ислоҳот, кадрларни тайёрлаш ва миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш.



Марказий Осиё,
Кавказ ва бошқа
минтақалар билан
биргаликда ўзаро
ҳаракат



Бугунги кунда Туркия
умумий миқдорда 30
млн. АҚШ долларилик
молиявий кўмак
тақдим этди



Бугунги кунда 28
та лойиҳа амалга
оширилган



Ҳамкорлик
дастурларининг
янги фазаси 19 та
лоийҳани ўз ичига
олади

БОҒЛАНИШ:

Виорел Гуцу

Марказий Осиё бўйича субминтақавий
координатор ва ФАОнинг Туркиядаги вакили
sec-src@fao.org

Лейла Акъюз Сёнмез

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ФАО-Туркия
ҳамкорлиги Дастури (ФТХД) алоқалар бўйича ходими

Веб-сайт:

<https://www.fao.org/in-action/fao-turkey-partnership>

**Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат
ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)**

Анқара, Туркия



REPUBLIC OF TÜRKİYE
MINISTRY OF AGRICULTURE
AND FORESTRY

Мазкур лойиҳани Туркия Республикаси Ҳукумати молиялаштиради
ва у ФАО томонидан амалга оширилади

© FAO, 2022



CB9071UZ/1/07.22